**Истиқлол қаҳрамонлари**

*Абдурауф*
# ФИТРАТ

# ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

IV жилд

ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ, ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА ТАДҚИҚОТЛАР

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2006

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг сиз билан иши йўқдур. Қаршингиздаги кишилар бу сўзни эшитиб ўтирмаслар, қиларини қиларлар. Мен улусимни жонимдан ортиқ севаман дерлар. Бунларнинг мана шу сўзлари қумучдир[29]. Тушингизда сиз бир хотунни севгансиз, тиришиб, жон чекишиб, куч билан уйига кирибсиз, ёнига суқулгандан кейин юзига қараб: «Мен сизни кўб севаман, сиз кўб чиройликсиз, лекин шу кўзингиз кўб даққидир, шуни чиқариб ташланг. Бурнинг ёмон ис берадир, шуни кесиб отинг», – десангиз севгилингиз бўлган хотун икки-уч таёқ уруб, сизни қувмасми? Албатта, қувар. Турк улусини севамиз, лекин тили қабодир, мусиқаси тотсиздир, тарихи қоронғудир деганларнинг ҳам бир-икки таёқ еб қувилмоқлари керакдир. Лекин турк тили бахтсиздир.

## ТИЛИМИЗ

### II

Тилимизнинг бойлиги тўғрусида «Иштирокиюн»нинг билмам қайси сонида[1] бир мақола ёзган эдим. Бунда тилимизнинг бойлиги, тугаллиги, кенглиги тўғрусиндаги тонуқ[2]ларимни кўрсаткандан кейин тилимизга кириб қолган арабча, форси(й)ча сўзлар ва истилоҳ(лар)ни чиқармоқ тейишликни сўйлаган эдим. Бу тушунчага қаршу бўлган кишилар ҳам, албатта, бордирлар. Бироқ бунларнинг қаршулиқлари ўзига ғазаб-ла сингдирган тушунчаларининг бизга қаршулугини шу ерда ёзиб қайтармоқдан бурун ўз тушунчаларимизни очиқ қилиб қаторлаб ёзайин:

а) мен турк тилининг асир тушгани ва бўйла тутқун ҳолини ўрганганимдан ...[3] туркчанинг бойлиги, кенглиги, тўлуғлиги учундир;

б) мен турк улусига ўз бошли (мустақил) бир тил ва шу тилда ёзилган «илм» истайман. Туркчанинг бойлиги, кенглиги ва тўлғунлигини билганим учун бу ишни қулай деб ишонаман;

ж) тилимизнинг ўз бойлиги (мустақил) бўлиб туруши учун гапларга ва ёзувларимиз аро кириб қолган ёт сўзларнинг ўзбекчаларини илкимиздан келганча охтариб топиб ишлай(л)ик. Тилимиздаги ёзилган «билим»ни кўрмак учун «илмий истилоҳлар» дедигимиз «билим сўзлари»нинг ҳам илкимиздан келганча туркчаларини топиб олмоқ йўлинда тиришмакни ҳар бир турк ёзувчиси учун «вожиб» деб биламан;



www.ziyouz.com kutubxonasi

д) туркчаси топилмаган сўзлар ва истилоҳлар бор эса, унларни чиқариб ташлаб, ўрунларини бўш қўяйлиқ демайман. Туркчаси топилмаған сўзлар ва истилоҳлар қолсун, бироқ туркчанинг буйруғи остинда кириб қолсун; бошқача турли айтканда, Франса[4] да яшаған бир турк каби бўлундиғи[5] туркчанинг қонунлариға бўйунсуниб яшасун; туркчада турған бир французлек «капитулацион» асрори остида турмасун.

Мана меним ўйларим... очиқ кўруладиркім: мен ўз истаклари бўйича эмас, мунтафий[6] бир тушунчанинг қисуви билан бу йўлға кирганман. Турк улусиға ўз бошли (мустақил) бир тил керак. Туркчанинг ўз бошли (мустақил) бўлуви учун ёт сўзлардан қутулиш тейиш. Ўз тушунчаларимизни шу йўлда очиб кўрсаткандан кейин бунга қаршу бўлған ўйларни ҳам кўриб ўтмак керак. Бурунроқ шуни айтайким: бу кун ғазаб-ла тўлдурғуси ишларимизни энг улуғ ва энг сойиллиғ[7]лардан бири ул тил истамаймиз.

Дейларким: бизга қаршу турған олимларимиз ўз қилағонларидан[8] ўзға билурмадилар. Биз масъаланинг у тушунчаларини мутлақ бир йўсунда кўриб осуғланолмаймиз, унлардан бизға эришкан сўзлар кўчада тил учун ўйланмаған ўтиришларда айтилиб ўткан сўзлардир.

Бунларнинг сўзларини тинглаймиз:

1) биз туркчани одми бир тилда ёзарға тиришамиз, шунинг учун туркчадан одми сўзларни чиқармасға тейиш;

2) туркчага кириб қолған арабча, форси(й)чанинг туркчалари йўқдур;

3) илмий истилоҳларнинг туркчалари йўқдур;

4) илмий истилоҳларни турклашдирмак учун тиришмак вақтимизни бўшға ўткарган бўлармиз;

5) чиғатой тилида билим ўқумоқчи эсак, ики юз йил кутиб турайлиқ;

6) арабча илмий-адабий бир тилдир: арабча илмий истилоҳларни ўзгартмак тўғри эмас, биз билим битикларимиз (илмий китобларимиз)дан илмий сўзларни чиқариб, аробачилар сўзини киргуза олмаймиз (шул сўнг сўзни сабоқ бериб турдигим бир мактабнинг ўқутучилари ўртасидан бир киши айткан эди).

Мана бизга қаршу айтилган «гап»лар. Бунларга айриайри жавобларимни бермакдан бурун шуни айтайким: шу сўзларнинг ҳаммасиндан кўрунатурган нарса — ўзимизни суймаслик, ўзимизға ишонмаслиқ, ўзимизнинг борлиғи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мизни онглай олмасликдан бошқа нарса эмасдир. Сўзларнинг ўзаги, ҳоли шудир: «қила олмаймиз», «бизники ярамайдир». Тўғрисини айтканда, ўзига шундай хўр боқған бир эл, ўзига шунча ишонмаған бир улуснинг кураш майдони бўлған тириклик очунинда тизланмакига, йиқилмай турурига мен ҳам ишона олмайман!

«Биз қила олмай эканмиз»... – Нечун?!

«Ўзлиғи яралмай экан»... – Нечун?!

Юксалиш йўлиға кирган қайси бир эл шундай ишончсизлиқ билан ишга киришади?! Шундай ишончсизлиқ билан ишга киришган бир эл юксаладими? Шул сўроғларға жавоб истармиз ... ... ... Эмди бизга қаршу юрғанлар(нинг) сўзлариға силай-ла[9] жавоб берайлик.

Дейларким: туркчадан адабий сўзларни чиқармасға тейиш. Буни биз ҳам қабул қиламиз. Адабий сўзларни туркчадан чиқарингиз демаймиз. Бизнинг тилагимиз адабий сўзларни эмас, арабий сўзларни чиқармоқдир. Онглашиладирким, бизга қаршу турған оғалар «арабий» билан «адабий»ни айирмасдан гапуралар. Буларнинг айтканича, туркчамизда кириб қолған ёт сўзлар адабий, уларни чиқарсоқ тилимиз адабийликдан чиқар. Мана шу сўзлар ўзимизни севмаслик эмасми? Ўзимизға хўр боқмоқ эмасми? Ўзимизға ишонмаслиқ эмасми?

Ер юзида биздан бошқа уруғ йўқми? Қайси бир уруғ ўз тилини «адабий» қилмоқ учун ёт тиллардан тиламчилик қилади? «Адабий» деган сўз, торроқ бир маънода айтканда, тилнинг қоидаларидан чиқмай ёзилған онглашурлиқ сўздир. Арабча ва форси(й)чанинг бу ўртадошлари йўқдир.

Дейларким: тилимиздаги ёт сўзлар билан «илмий истилоҳ»ларнинг туркчалари йўқдир. Бунинг жавоби кўбдан берилди. Ёт сўзлар ва илмий истилоҳларнинг туркчаларини тиришсак топармиз, топа олмағанларимизни туркча буйруғина ёздира олармиз. Сиз тилимиздаги ёт сўзлар, илмий истилоҳларни ўзгартмак тейишлиғини қабул этинг, унларнинг туркчалари сўнгра топилар. Йўқ, сиз бу йўлда тиришмасангиз, амрингиз бошқа йўл экан. Буни мен бажараман! Меним тушунчам шудир: турк улусининг илмий, ижтимоий кўб дардлари, кўб юксак ўринлари бордир. Шул дардларни билмамак, шул юксак турумлар[10]ни тўлдирмоқ қамуғларимизға тейишдир. Бир йўлға тушкан кимсанинг торроқдай амри бўшға ўткан бўлмайдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дейларким: чиғатойча билим ўқумоқчи эсак, ики юз йил кутайлик. «Етти кунда бутун номларни чиғатойчада ёзиб, «лаблундай»[11] қилиб қўлингизға топшураман» деган ким?! Биз-да биламиз, бу иш қулай эмасдир, кўб вақт истар. Шунинг учундирким: ҳозирдан ишка киришкали ошуқуб турамиз. Биз аробачилар тили билан билим ўқиёлмас эканбиз. Сўзми бу?! Бу қора ишларнинг «хуён ху»[12]ларига ўхшатиб, илмий, адабий тарихига қарамоқ яхши бўлмас эдими?!

Ҳикмат, ҳандаса билимлари арабларға кўкдан инмади[13]. Унлар бу илмларни юнонлилардан олдилар; арабларда бу билимлар йўқ чоғда илмий истилоҳлар ҳам йўқ эди. Бироқ шу «истилоҳи илмийя» деб олған сўзларнинг ўзи бор эди.

Айтаким: ҳаёт билими йўқ экан, *ҳисоб*, «*ҳ*» деган истилоҳ йўқ бўлса, *ҳисоб* билан «*ҳ*» сўзи бор эди. Арабнинг шоири, бойи, аробачиси, туячиси – бариси булутни *саҳоб*, билдирғучи нарсани *мади* дер эди. Арабда ҳандаса илми йўқ экан, *зовитон, дохлтон* деган истилоҳ бўлмаса, илми арабийнинг мулласиндан тортиб авлиёсиғача ҳаммаси *пучмоқ*ни *зовия, ичкари*ни *дохил* дер эди.

Насроний ҳаёт мадрасасинда *қуёш*ға *шамс* деганлари каби туячилар уюшмасинда ҳам *шамс* дерлар. Араблар юнон билимларини ўз тилларига айлантиргач, шул туячилар сўзларини олиб «илмий истилоҳ» қилдилар. Биз нечун шундай қилмай эканбиз?! Турк сўзини аробачилар сўзи деб ташлағандан сўнг араб туячиларидан олған истилоҳларни қабул этайлик. – Сўзми бу?!

## ТИЛИМИЗНИНГ АДАБИЙЛИГИ...

*(1921 йил Тил ва имло қурултойида сўзланган нутқ)*

Шарқ адабиётининг ҳашаматли, рангли бир тарихи бор. Бу дабдабали тарихнинг олдидан ўтканда бу кунги Оврўпа адабиёти ҳам шапкасини олиб салом бериб ўтадир. Шунга ўзини мажбур каби кўрадир.

Шарқ тарихи адабияси бутун дунё адабиёти орасида сингирсиз, мисли йўқ бир боғчадир. Бу гўзал боғчадаги гулларни саралаб кўрмакчи бўлсак, биринчи сирада, қаторда араб ҳам эрон гулларини, иккинчи сирада эса, урду ҳам турк чечакларини кўрамиз. Шарқ тарихи адабиясида биринчилик араб-эрон адабиётиға, икинчилик эса урду ва турк адабиётиға берилгандир.



www.ziyouz.com kutubxonasi